*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 173 (20. 141) • 1988 йил 30 июль, • шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

# *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида*

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 29 июль куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум «XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленум қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси XIX партия конференциясининг йўл-йўриқлари асосида тайёрлаган ҳужжатларнинг лойиҳалари билан олдиндан танишиш имконияти берилган эди.

Доклад юзасидан музокараларда: Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Қозоғистон Компартияси Қўстанай область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари Е. Д. Похитайло, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари И. С. Болдирев, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев, Украина Компартияси Житомир область комитетининг биринчи секретари В. М. Қавун, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, СССР савдо министри К. З. Терех, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков, В. И. Ленин номидаги Кострома зиғир толали газлама комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Пономарев, СССР авиация саноати министри А. С. Сисцов, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Татарчук, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, СССР медицина ва микробиология саноати министри В. А. Биков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан Пленум қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида» ҳамда «Партия аппаратини қайта қуришнинг асосий йўналишлари ҳақида» ҳам қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар матбуотда эълон қилинади.

Пленум Марказий Комитет Сиёсий бюросининг XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини рўёбга чиқаришга доир таклифларни тайёрлаш учун КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев раислигида КПСС Марказий Комитетининг комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифини қабул этди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 28 июлдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Мажлисда жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, меҳнаткашларнинг СССРнинг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида марказий ва маҳаллий органларга йўллаётган таклифлари муҳокама қилинди. Мукофотлаш борасида таркиб топган практика демократиялаш жараёнига мос келмаслиги, гражданларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантиришни суст рағбатлантираётганлиги, давлат мукофотининг обрў-эътибори пасайганлиги қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида таъкидланганидек, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда эришган катта ютуқлар учун ва мукофотланаётган кишининг бу ишга қўшган шахсий ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирлаш лозим. Мукофотларни жамоатчилик фикрига таяниб, ошкора равишда, социал адолат принципига мувофиқ, асосан меҳнат коллективларининг ташаббусига биноан бериш зарур.

Бундан буён беш йилликларнинг якунларига кўра ва бошқа ҳолларда оммавий равишда мукофотлашни, гражданларнинг меҳнат фаолияти даврида уларнинг юбилейлари муносабати билан мукофотлашни, шунингдек республикалар, ўлкалар, областлар, округлар, шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини мукофотлашни амалда қўлланмаслик мақсадга мувофиқ деб топилди. Ижтимоий турмушнинг барча томонларини қайта қуриш вазифаларига мувофиқ СССР орденлари, медаллари, фахрий унвонлари тўғрисидаги Низомларга ўзгартишлар киритиш мўлжалланади.

Мажлисда СССР Министрлар Советининг мамлакат балиқ хўжалигини бошқариш бош схемасини такомиллаштириш хусусидаги таклифлари қўллаб-қувватланди. Бунда СССР Балиқ хўжалиги Иттифоқ-республика министрлигини умумиттифоқ министрлигига айлантириш, унинг куч-ғайратлари ҳамда ресурсларини денгиз ва океанларда балиқ овлашни ривожлантиришга қаратиш назарда тутилмоқда. Ички сув ҳавзаларида балиқчилик ҳамда балиқ овлашни иттифоқдош республикалар, ўлкалар ва областларнинг агросаноат органлари қарамоғига ўтказиш мўлжалланади.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси мамлакат кенг жамоатчилигининг Афғонистонда ўз интернационал бурчини муносиб равишда ва мардона адо этган ярадор ҳамда соғлиғини йўқотган жангчиларнинг соғлиғини қайта тиклаш ва уларни даволашни яхшилашни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига қўшилиб ҳамда уларни қўллаб-қувватлаб, КПСС Марказий Комитети Ишлар бошқармасининг Москва областидаги «Русь» санаторийсини ўзгартириб, унинг негизида интернационалистжангчилар учун соғлиқни қайта тиклаш марказини яратиш тўғрисида қарор қабул қилди. СССР Министрлар Совети Ишлар бошқармасининг дам олиш уйларидан бири инвалид болаларни даволашга топширилиши маълумот учун қабул этилди.

Интернационалчи-жангчиларга ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа муҳтож категорияларига даволаш-соғломлаштириш ёрдамини кучайтириш учун қўшимча имкониятларни излаб топиш маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол органларига, соғлиқни сақлаш органларига тавсия қилинсин.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Япония парламенти депутати, Японияниг собиқ бош министри Я. Накасонэ билан ўтказган суҳбати якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Я. Накасонэ СССР парламент группасининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган эди.

Жаҳондаги вазият ривожининг асосий тенденциялари тўғрисида ўтказилган сермазмун фикрлашув ҳамда Совет—Япония муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинганлигининг фойдали эканлиги таъкидланди. Муҳокама ҳар иккала томон бу муносабатларни боши берк кўчадан олиб чиқиш, нормал ривожланиш учун омил бағишлаш иштиёқида эканлигини кўрсатди. Совет—Япония муносабатларини ривожлантириш иккала мамлакат манфаатларига мос бўлиб тушажаги ҳамда жаҳон жараёнига, Осиё-Тинч океан регионидаги вазиятни яхшилашга ҳисса бўлиб қўшилажаги қайд этиб ўтилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Суҳбат чоғида гап борган конкрет қадамлар, яъни Совет парламент делегациясини юбориш ва СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзенинг шу йил охирида Японияга визити, шунингдек келгусида олий даражадаги визитларни амалга ошириш принцип жиҳатидан мумкинлиги тасдиқланганлиги икки томонлама муносабатларни кучайтиришга, бу муносабатларга жўшқинлик бағишлашга кўмаклашади деб ишонч билдирилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитети Бош секретари, Эфиопия Халқ Демократик Республикаси Президенти Менгисту Хайле Мариам билан учрашуви ҳамда Н. И. Рижков, бошқа совет раҳбарларининг у билан ва унга ҳамроҳлик қилган делегация аъзолари билан ўтказган суҳбатлари якунларини маъқуллади. Совет Иттифоқи Эфиопия билан муносабатларга катта аҳамият бераётганлиги таъкидланди, ЭХДРни ривожлантиришнинг ҳозирги бурилиш босқичидаги қийинчиликларни бартараф этиш борасида Эфиопия халқи сарфлаётган куч-ғайратлар билан бирдамлик изҳор қилинди.

Совет Иттифоқи билан Эфиопия сиёсий ҳамкорликни чуқурлаштиришга, иқтисодий ҳамкорликнинг янги, янада самарали форма ва методларини излаб топишга интилаётганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди. Совет Иттифоқининг Эфиопия бирлиги ва территориал бутунлигини, Эритрея муаммоси адолатли тарзда сиёсий ҳал этилишини, Африка Мугзида тинчлик ва яхши қўшничилик вазияти қарор топишини қўллаб-қувватлашдан иборат принципиал позицияси тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатга оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

*Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили вахтасида*

*Ягона оилада*

## Умумий иш манфаатларини кўзлаб

**ПАХТАКОР РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИ КЕЛАДИЛАР**

Вужудга келган яхши анъанага биноан Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР агросаноат комплекслари меҳнатчиларининг ўзаро текшириш бригадалари 1 августда Ўзбекистонга келадилар.

Озарбайжон делегацияси Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё областларининг қишлоқ меҳнатчилари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текширади.

Тожикистон вакиллари Фарғона, Андижон, Сирдарё, Жиззах ва Сурхондарё областлари дала ва ферма меҳнатчилари ўз мажбуриятларини қандай бажараётганликларини ўрганадилар.

Туркманистон вакиллари Наманган, Навоий, Самарқанд ва Тошкент областларида деҳқонларнинг ишини кўздан кечирадилар.

Тажрибани ўзаро баҳам кўриш, ўртоқларча танқид, мусобақадош дўстларнинг маслаҳатлари белгиланган мақсадларга эришиш учун курашда республика агросаноат комплексининг меҳнатчиларига яхши ёрдам бериши шубҳасиз.

(ЎзТАГ).

Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхози бригада бошлиғи, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегати Тўра Номозов Москвадан қайтгач, ҳамкасблари билан ишни янада яхшилаш ҳақида маслаҳатлашиб олди. Коллектив бу йил 77 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,2 центнердан ингичка толали пахта етиштиришга аҳд қилди.

Суратда: Т. Номозов (чапдан иккинчи) бригада аъзолари билан.

И. ХУЖАЕВ фотоси, (ЎзТАГ).

*«Ҳосил—88»: «Дала—редакция» телефон линиясида*

## ҲАРОРАТ ВА МАҲОРАТ

**Фарғона область Риштон районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг Ленинизм бўлими бошқарувчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Зухриддин ДАДАБОЕВ ҳикоя қилади:**

— Кўпни кўрган кексалар ҳам ҳароратнинг муттасил юқори даражада туриб қолганини кам эслашади. Иссиқлик соҳа 40 даражадан ортиқ бўлянти, ахир! Чошгоҳдан сўнг қурт-қумурсқадан тортиб, паррандагача ўзини сояга уради. Аммо пахта далаларида иш тўхтаб қолгани йўқ. Бўлимимиз деҳқонлари 500 гектарга яқин майдонга пахта экишган. Ғўза ривожи ўтган йилдагига нисбатан 20-25 кун илгари кетяпти. Ҳозирга қадар ғўза қатор оралари 6 марта культивация қилинди. Уч марта комплекс ишловдан чиқарилди. Пайкалларни табақалаб чеканка қилишга киришдик. Ой охиригача бу юмушни тўла тугаллаймиз. Гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Қ. Алимов, Б. Маҳкамов, Х. Алиев бошлиқ бригадалар далаларидаги ғўза тупларида ҳозироқ 6-7 тадан кўсак бор.

Асад ҳарорати ғўза ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга айрим қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаряпти. Чунончи ҳарорат баъзи пайкалларда нишоналарнинг тўкилишига, ғўзага ҳар хил зararли ҳашаротлар тушишига, бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўляпти.

Биз шона тўкилишининг олдини олиш учун қатор оралларга ишлов бериш суръатини кучайтирдик. Пайкалларга шарбат ва аммиак суви оқизилишини йўлга қўйдик. Ҳозирча 300 гектардан ортиқ майдон шарбатга тўйди. Ўргимчаккана кўсак қурти сингари зararкунандаларга қарши курашда биологик усуллардан кенг фойдаланяпмиз.

Шу ўринда бир тажриба хусусида тўхталмоқчиман. 30 йилдан буён қишлоқ хўжалигида ишлайман. Илгари ғўзага ҳашарот кам тушарди. Билишимча, пайкаллар четидаги кенг уватлар ҳашаротга қарши табиий тўсиқ вазифасини ўтарди. Кейинги пайтларда бу уватлар йўқотилди. Ҳашарот қаерга борсин? Тўғри пахтазорга тушяпти.

Биз бу йил 30 гектарли катта карта ёнидаги бедапоянн ўриш пайтида пахтазор ёқалаб ярим гектарга яқин қисмини ўрмай қолдирдик. Қарангки, шу майдондаги ғўзаларга умуман ҳашорат ораламади. Узун тасмадек чўзилган бедапоя ҳашарот йўлида ўзига хос «иҳота» бўлиб хизмат қилди. Демоқчиманки, ҳадеб заҳарли химикатлар ишлатмасдан мана шундай деҳқонча усуллардан ҳам фойдаланиш керак.

**МУХБИР ШАРҲИ:**

Камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, агитаторлар, кўчма кино, кўчма кутубхоналар меҳнаткашлар ҳузурида кам бўлади. Болалар боғчалари, мавсумий боғчаяслилар иши талаблар даражасида эмас. Барча дала шийпонларида ҳам душлар ташкил этилмаган.

Яна бир нохуш аҳвол: бўлимнинг 30 гектар майдонида ерости сувлари сатҳи кўтарилиб, тупроқ захлаб кетган. «Ферганаирстрой» тресті бу ерларга ёпиқ дренаж (зовур) қувурлари ётқизган. Афсуски, иншоот битгач, 100 гектар ер баттар захлаб кетди. Оқибатда уларни қайта қазиб, очиб ташлашга мажбур бўлинди. Ваҳолонки, бу ишга илгари 3,5 миллион сўм маблағ сарфланган. Қишлоқ меҳнаткашларига мана шундай қўл учида ёрдам кўрсатган ирригаторлар «ҳиммати»ни республика ва область агросаноат комитетидаги раҳбар ўртоқлар қандай баҳолашаркин?

**Материални линияга «Совет Ўзбекистони» мухбири А. ИБОДИНОВ узатди.**

## ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● Одатда чеканка ҳар йили август ойида қизғин тусга кирарди. Бу йил эса Олтиариқ районидаги «Узбекистон» колхозининг Султонқул Қодиров бошлиқ бригадаси пахтакорлари июль ойининг дастлабки ярмидаёқ бу муҳим тадбирни ниҳоясига етказдилар. Улар 78 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Коллективнинг нияти—давлатга ҳар гектар ҳисобига 31,5 центнердан, жами 246 тонна «оқ олтин» сотиш.

**А. СУФИЕВ.**

● Шу кунларда Балиқчи районидаги Ленин номли, «Пахтакор», «КПСС «XXV съезди» ва «Победа» колхозларида ҳамда М. Горький номли совхозда ғўза парвариши агротехника қоидаларига кўра олиб борилмоқда. Ғўза парвариши машина теримига мослаб олиб борилаётган илғор хўжаликларда бу йил етиштириладиган «оқ олтин» ҳосилининг 70-80 процента «зангори кема»лар бункеридан тўкилади.

Районда терим агрегатлари ремонти ҳам жадал кетяпти.

**С. ЙИГИТАЛИЕВ.**

● Большевик районидаги Карл Маркс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Кўмаков етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари дала ишларида пешқадам. Бригадада экиларни суғориш, ишлов бериш, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш юмушлари барвақт, сифатли амалга оширилмоқда. Ғўза ниҳолларини оби-тобида суғоришда Р. Бойқобилов, О. Бўронов сингари моҳир сувчилар ҳаммага ўрнак.

**Р. МУҲАММАДИЕВА.**

● Поп районидаги «Ленинград» колхози пахтакорлари беш йилликнинг учинчи йилида она—Ватанга 4700 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Ғўза қатор ораларини юмшатиш, обиҳаётга қондириш, ривожи паст ғўзаларга қўшимча ишлов бериш, маҳаллий ўғит солиш, бегона ўтга қарши кураш, чеканка қилиш ишлари сифатли олиб борилмоқда.

Пахтачилик бригадалари ўртасида ташкил этилган мусобақада хўжаликнинг Жўрахон Кенжаев етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари олдинда.

**С. ҚУЧҚОРОВ.**

*Ўрта Осиё региони:*

## МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Тошкентда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва уларни жойлаштиришнинг 2005 йилгача бўлган бош схемасига алоқадор масалаларга бағишланган зона семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда СССР Госплани, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг планлаштирувчи органлари ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда ривожланишнинг бош схемаси асосида келгуси беш йилликнинггина эмас, кейинги ўн йилнинг ҳам халқ хўжалик плани тузилиши ўқтириб ўтилди. Шу сабабли ишлаб чиқарувчи кучларни тезроқ ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш суръатлари ва самарадорлигини ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш планлаштирувчи органларнинг энг муҳим вазифасидир.

Сўзга чиққан кишилар ҳар бир район социал ва иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос шарт-шароитга эга эканлигини таъкидладилар. Лекин, ана шу тафовутга қарамай, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг кўпгина муштарак муаммолари бор. Капитал қурилиш планларининг бажарилмаслиги, халқ хўжалиги комплекси бошқа етакчи тармоқларининг орқада қолиши номутаносибликни келтириб чиқарди. Бу эса давлатдан кўп миқдорда қарздор бўлиб қолишга олиб келмоқда. Бу миллий даромадга салбий таъсир ўтказмоқда.

Бизнинг регион қурилишларнинг узоқ чўзилиб кетиши, объектларнинг ишга туширилмаслиги бўйича мамлакатда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Кучли қурилиш ташкилотларининг камлиги бунинг асосий сабабидир. Кенгашда Ўрта Осиё республикалари аҳоли ўсиши жиҳатидан етакчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турганлиги уқтирилди. Бу ерда, иш жойлари етишмаслигини рўкач қилиб, янги корхоналар очишга ҳаракат қилишмоқда. Айни вақтда юз минглаб мавжуд иш жойлари бўш қолмоқда, ортиқча фондлар миллиардлаб сўм билан ҳисобланади.

Ривожланиш бош схемасида ана шу асосий муаммолардан келиб чиқиб, республикаларнинг қиёфасини янгилаш назарда тутилган. Жумладан, мавжуд корхоналарнинг реконструкцияси ҳамда уларни техника билан қайта қуроллантиришга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилмоқда. Кўп металл сарфи талаб қилмайдиган тармоқлар кенг ривожлантирилади. Биринчи навбатда табиий толалардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар анча кенгайтирилади.

Кенгаш қатнашчилари ривожланиш бош схемаси йирик фундаментал илмий тадқиқотларга асосланиши лозимлигини қайд этдилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон шароитида худди ана шу негизда пахтачиликни интенсив технологияга ўтказиш, ғўзанинг серунум, эртаки навларидан фойдаланиш мумкин. Қайта ишлаш саноати сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилиши лозим. Етиштирилган сабзавот, мева, полиз маҳсулотларининг катта қисми моддий базанинг заифлиги, малакали кадрлар, замонавий технологиянинг йўқлиги сабабли истеъмолчига етиб бормаяпти.

Кенгашда экология ҳақида алоҳида гап борди. Шу жиҳатдан Ўрта Осиё регионининг энг оғир аҳволда қолган регионлардан эканлиги таъкидланди. Шу сабабли ривожланиш бош схемасида корхоналарни модернизациялаш, кучли тозалаш иншоотларини ўрнатиш учун катта маблағ ажратишга қарор қилинди. Лекин маблағ билангина муаммони ҳал этиб бўлмайди. Сувдан энг кам фойдаланишга кўмаклашувчи юксак самарали замонавий технология керак. Бу ерда ҳам олимлар ўз сўзларини айтишлари зарур.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент областининг бир қанча қайта ишлаш корхоналарига бордилар, Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишдилар. (ЎзТАГ).

*Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетининг ахбороти*

# ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛИЙ

## 1988 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва социал ривожланиши тўғрисида

### I. УМУМИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

Ўзбекистон меҳнат коллективлари 1988 йил 1 ярмида республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришда муайян ютуқларга эришдилар. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик, саноат ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналарни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш уларнинг ишини активлаштирди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш тенденцияси вужудга келди. Миллий даромад ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 3,4 процент кўпайди.

1987 йил январь-июнь ойларидагига нисбатан 206,6 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар фондларидаги маблағлар ҳисобидан асосий фондларни ишга тушириш 165 миллион сўмлик кўпайди. Халқ хўжалигида планга қўшимча 173 миллион сўм фойда олинди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ўсди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш кўпайди. Узоқ давом этган танаффусдан сўнг биринчи марта товар оборотн топшириқлари бажарилди. Уйжой қурилиши қўламлари ортди.

Шу билан бирга, бир қанча халқ хўжалиги комплекслари ва тармоқларидаги мавжуд камчиликлар секинлик билан бартараф этилмоқда, янги хўжалик механизми афзалликларидан тўла фойдаланилмаяпти, уларнинг муқим ва барқарор ишлаши таъминланмаяпти. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, асосий фондларни янгилаш суръатлари етарли эмас. Маҳсулот етказиб бериш интизоми ҳали ҳам бўш, бу эса меҳнат коллективларининг нормал иш маромн бузилишига олиб келмоқда. Саноат ва қурилишдаги кўпгина корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш суръатига нисбатан иш ҳақини ошириш суръати ўзиб кетишига йўл қўйдилар. Кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи беқарор бўлиб турибди. Аҳолининг бир қанча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига, ноозиқ-овқат моллар ва пулли хизматга эҳтиёжларини қондиришда қийинчиликлар сақланиб қолмоқда. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш, шунингдек, бир қанча социал-маданий объектлар қурилиши ярим йиллик плани бажарилмай қолди.

**1988 йилнинг биринчи ярмида** республиканинг иқтисодий ва социал ривожланиши асосий кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан белгиланади (ўсиш процент ҳисобида):

| | 1988 йилнинг биринчи ярмида 1987 йилнинг биринчи ярмидаги даражага нисбатан | 1987 йилнинг биринчи ярмида 1986 йилнинг биринчи ярмидаги даражага нисбатан |
|---|---|---|
| Ҳосил қилинган миллий даромад | 3,4 | —1,5 |
| Саноат маҳсулоти—жами шу жумладан: | 1,9 | 0,8 |
| Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш | 0,4 | —0,4 |
| Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш | 6,7 | 4,7 |
| Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотлар фондларидаги маблағлар ҳисобидан асосий фондларни ишга тушириш: асосий фондлар | 10 | —14 |
| Уй-жойлар | 5 | —0,1 |
| Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ва корхоналар ҳамда ташкилотлар фондлари маблағи ҳисобидан | 1 | 1 |
| Умум фойдаланишдаги транспортнинг барча турларида юк ташиш (жўнатиш) ҳажми | 0,8 | —14,7 |
| Меҳнат унумдорлиги: | | |
| саноатда | 0,8 | —1,6 |
| қурилишда | 6,6 | —0,2 |
| Ишчи ва хизматчилар сони | 1,4 | 3,2 |
| Халқ хўжалигида иш ҳақи фонди | 4,5 | 4,9 |
| Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи | 3,0 | 1,6 |
| Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш | 5,6 | —1,7 |
| Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига тўловлар ва имтиёзлар | 4,4 | 4,5 |
| Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти (амалдаги нархларда) | 10,0 | —2,1 |
| Аҳолига кўрсатилган пулли хизмат | 21,3 | 7,6 |
| Халқ хўжалигида олинган фойда | 12,6 | —1,9 |

### II. ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ

**Фан-техника тараққиёти.** Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш ҳажми ошди. Ана шу мақсад учун 520 миллион сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 31 процент кўп маблағ сарфланди, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари сарфланган капитал маблағ умумий ҳажмида 36 процентни ташкил этди.

Бир қанча ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси кўрсаткичларини яхшилаш ишлари амалга оширилди.

**Енилғи-энергетика комплексида** қатламлардан нефть чиқариб олишнинг замонавий методларини қўлланиб, нефть қазиб чиқариш топшириғи ошириб бажарилди.

**Металлургия комплексида** паст легерли пўлатдан прокат ишлаб чиқариш 0,9 процент кўпайди. Пўлат ишлаб чиқариш умумий ҳажмида электр билан эритилган пўлатнинг салмоғи 70,9 процентни ташкил қилди.

**Машинасозлик комплекси** министрликларининг корхоналарида СССРда биринчи марта ўзлаштирилган маҳсулотлар салмоғи ўтган йилнинг январь-июнь ойларидаги 1,9 процент ўрнига 5,6 процентни ташкил қилди.

Саноатда 130 та механизациялашган поток ва автомат линия, 10 та саноат роботи, 45 та рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқувчи станок ўрнатилди. 110 та участка ва цех комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга ўтказилди.

**Химия-ўрмон комплексида** химиявий толалар ва иплар ишлаб чиқариш умумий ҳажмида синтетик тола ва ип салмоғи 74,6 процентга етди (1987 йилнинг биринчи ярмида 72,8 процентни ташкил қилган эди).

**Колхозларда, хўжаликлараро корхоналар ва совхозларда** интенсив технология асосида етиштирилаётган баҳори дон экинлари 223,4 минг гектарни (дон майдонларининг 75 процентини), ғўза—340,4 минг гектарни (17 процентни) ташкил қилади.

**Қурилиш комплексида** пластификаторларни қўлланиб, темир-бетон конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш, заводда занглашдан сақлаш чоралари кўрилган. Қурилиш конструкциялари тайёрлаш топшириқлари ошириб бажарилди.

Биринчи ярим йилликда цемент ишлаб чиқариш умумий ҳажмида «қуруқ» усулда клинкердан ишлаб чиқарилган цемент салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 37,1 процент ўрнига 39,4 процентни ташкил қилди.

Шу билан бирга фан ва техникани ривожлантириш топшириқларини амалга оширишдаги қолоқлик тугатилмади. Ўнта министрлик ва идора топшириқларнинг бажарилишини таъминламади. Уларнинг орасида Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва бошқалар бор.

**Маҳсулот сифати.** Давлат қабули шароитида ишлаётган саноат корхоналари ва бирлашмаларида йил бошидан буён 1,2 миллион сўмлик маҳсулот бутунлай брак қилинди.

Сифатсиз буюмлар савдога келтирилиши давом этди. Савдо министрлигининг улгуржи савдо билан шуғулланувчи ташкилотлари трикотаж, тайёр кийимлар, газлама ва пойабзал текширилган миқдорининг 6—16 проценти сортини пасайтирди ва нуқсонларни тугатиш учун қайтарди. Енгил саноат министрлигининг бир қанча корхоналари — Бухоро, Хоразм ва Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чортоқ тикувчилик-трикотаж фабрикаси, Самарқанд ва Бухоро трикотаж фабрикалари ҳамон энг сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

**Ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш.** Қувватларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишдаги катта камчиликлар сақланиб қолмоқда. 1987—1988 йилларда ишга туширилган ва реконструкция қилинган 43 та энг муҳим халқ хўжалик объекти текширилганда: уларнинг қувватидан ўтган даврда ўртача 76 процент фойдаланилган. Объектларнинг салкам 60 проценти қувватларни ўзлаштириш муддатларини бузди, уларда қувватларнинг ўртача 52 процентидангина фойдаланилди.

«Андижанкабель» заводида кабель буюмлари ишлаб чиқариш лойиҳа қувватларидан фойдаланиш проценти лойиҳадаги даражанинг 10,7 процентини ташкил этди. Фарғона тўқимачилик комбинатининг Тошлоқдаги оҳорланган газлама ишлаб чиқариш филиали қувватларидан (16,9 процент), Урганч пойабзал фабрикасининг Гурлан поселкасидаги филиали пойабзал ишлаб чиқариш қувватларидан (43,8 процент), Ойим поселкасидаги йигирув корхонасида калава ип ишлаб чиқариш қувватларидан (41,8 процент), «Главташкенстстрой»га қарашли 5-панелли уйсозлик комбинати йирма темир-бетон конструкциялари ва деталлар ишлаб чиқариш қувватларидан (11,6 процент) жуда кам фойдаланилди.

Текширилган объектларда янги қувватларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишда йўл қўйилган қолоқлик натижасида шу йилнинг 5 ойи ичида лойиҳада кўзда тутилган даражага нисбатан 27 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берилмади.

**Ресурсларни тежаш.** Халқ хўжалигида 97 минг тонна шартли ёқилғи, 20 минг тоннадан кўпроқ қора металлар прокати, 41,4 минг тонна цемент, 36,6 минг куб метр ёғоч-тахта, 11,4 минг тонна дизель ёнилғиси, 5 минг тонна автобензин тежаб қолинди.

**Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш.** 1988 йилнинг биринчи ярмида 4981,3 минг ишчи ва хизматчи халқ хўжалигида банд бўлди, ўтган йилнинг шу даврида ишчи ва хизматчилар сони 4914,2 минг киши эди.

Колхозчилар сони 870,3 минг киши бўлди, ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1 процент қисқарди.

Ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳасидаги кооперативларда 28,9 минг киши ишлади. Деярли 17 минг киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда.

**Хўжалик механизми ва бошқарувни такомиллаштириш.** Туб иқтисодий ислоҳот ва хўжалик юритишнинг янги методлари ишлаб чиқариш ҳамда социал муаммоларни ҳал қилишга, меҳнат коллективларидаги муҳитга ижобий таъсир қилмоқда.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилган саноат корхоналари меҳнат унумдорлигини анча юксакроқ суръатлар билан амалга оширдилар. Бу корхоналар меҳнат унумдорлигининг 4,1 процент ўсишини таъминладилар (янги шароитда ишлашга ўтказилмаган корхоналарда меҳнат унумдорлиги 2,6 процент пасайиб кетди).

Колхозларда, совхозларда ҳамда тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаётган хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш (чорва моллар ва паррандаларнинг тирик вазнда) ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 процент, сут етиштириш 8 процент кўпайди, айни вақтда янги шароитга ўтказилмаган хўжаликларда гўшт етиштириш 8 процент ва сут етиштириш 5 процент кўпайди.

Хўжалик юритишнинг янги принциплари асосида ишлаётган умумий фойдаланишдаги транспорт (темир йўл ва ҳаво транспорти) корхоналари биринчи ярим йилликда юк ташиш ва пассажир обороти планини бажарди.

Шу билан бир вақтда янги хўжалик механизми афзалликлари тўла рўёбга чиқарилмаяпти. Давлат буюртмаларини шакллантиришда иқтисодий нормативларни қўлланишда катта камчиликларга йўл қўйилди, хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлашга ҳамма корхоналар ҳам тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилиш етарлича ривожлантирилмади.

Туб иқтисодий ислоҳот доирасида ташкилий структураларни такомиллаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш, бошқарув аппаратини қисқартириш тадбирларини амалга ошириш давом этмоқда.

Экономиканинг асосий бўғини — ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини, корхоналарни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология ташкилотларини илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмалари составига қўшиш ҳисобига фаннинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини кучайтириш ишлари амалга оширилмоқда.

**Молия.** Январь—июнь ойларида фойда планининг бажарилиши 109 процентни ташкил этди. Республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари планни бажарди. Шу билан бир вақтда ҳар бешта саноат корхонасидан бири ва ҳар ўнта қурилиш ташкилотидан бири фойда олиш юзасидан план топшириқларини бажармаяпти. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари давлат комитети, Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги ҳамда Госстройнинг корхоналари ва ташкилотлари фойда олиш планини уддалай олмади.

Ўз оборот маблағлари етишмаслиги сабабли бир қанча корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ғоят қийинлашмоқда.

Фойдадан тўловлар ва оборот солиғи тарзидаги давлат бюджетига тушумлар планда кўзда тутилган даражадан 75 миллион сўм ошиб кетди.

### III. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

#### САНОАТ

Биринчи ярим йилликда давлат буюртмаси ва бевосита алоқаларга мувофиқ равишда маҳсулот етказиб бериш **шартнома мажбуриятлари** 1987 йил биринчи ярмидаги 97,6 процент ўрнига 98,8 процент бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 16 проценти шартнома интизомини бузди (1987 йилнинг биринчи ярмида 30 проценти шартнома интизомини бузган эди). Қолоқликка йўл қўйган корхоналар ўтган йилнинг шу давридаги 216,1 миллион сўмлик ўрнига 117,1 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш** 1,9 процент ўсди, **меҳнат унумдорлиги** 0,8 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг 37 процент ўсишига эришилди. 1988 йилнинг биринчи ярмида **фойда** 13,9 процент ўсди, планга қўшимча тарзда 43 миллион сўмлик фойда олинди.

Халқ хўжалик **комплекслари, министрликлар, идоралар** бўйича 1988 йилнинг биринчи ярмидаги фаолият кўрсаткичлари қуйидаги рақамлардан кўриниб турибди. (процент ҳисобида):

| | Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши | шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг улуши | 1987 йил 1 ярмига нисбатан ўсиш суръатлари. маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми | меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|---|
| **Енилғи-энергетика комплекси** | 99,3 | 25,0 | —1,2 | 1,3 |
| СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги | 98,6 | 50,0 | 2,6 | 9,4 |
| Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги | — | — | —6,2 | —3,9 |
| СССР Нефть саноати министрлиги | 100,0 | — | 3,2 | 5,9 |
| СССР Газ саноати министрлиги | | 100,0 | —3,4 | 9,9 |
| СССР Кўмир саноати министрлиги | 93,3 | 100,0 | 28,9 | 26,9 |
| **Металлургия комплекси** | 96,9 | 70,0 | —1,7 | 1,3 |
| СССР Қора металлургия министрлиги | 89,3 | 100,0 | —5,4 | —2,1 |
| СССР Рангли металлургия министрлиги | 98,4 | 62,5 | —0,9 | 1,9 |
| **Машинасозлик комплекси** | 98,6 | 40,0 | 9,6 | 8,7 |
| СССР Оғир машинасозлик министрлиги | 100,0 | — | 10,5 | 4,0 |
| СССР Электротехника саноати министрлиги | 93,9 | 75,0 | 9,1 | 7,1 |
| СССР Химия машинасозлиги министрлиги | 99,7 | 50,0 | 13,5 | 12,8 |
| СССР Станоксозлик саноати министрлиги | 98,9 | 33,3 | 6,5 | 13,3 |
| СССР Приборсозлик саноати министрлиги | 99,8 | 50,0 | 14,8 | 15,8 |
| СССР Автомобиль саноати министрлиги | 85,5 | 50,0 | 42,8 | —3,2 |
| СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги | 99,98 | 8,3 | 7,8 | 10,2 |
| СССР Йўл қурилиши машинасозлиги министрлиги | 99,3 | 66,7 | 9,4 | 10,1 |
| **Химия-ўрмон комплекси** | 98,6 | 23,7 | 5,6 | 5,5 |
| СССР Нефть-химия саноати министрлиги | 99,9 | 50,0 | 3,5 | 21,0 |
| СССР Химия саноати министрлиги | 97,5 | 11,1 | 7,8 | 6,3 |
| СССР Ўғит саноати министрлиги | 99,2 | 25,0 | 5,5 | 8,5 |
| СССР Медицина-биология саноати министрлиги | 96,9 | 100,0 | 2,4 | —4,6 |
| ЎзССР Мебель саноати министрлиги | 96,8 | 22,2 | 6,4 | 6,3 |
| **Агросаноат комплекси** | 99,0 | 15,3 | —4,3 | —5,3 |
| СССР Давлат агросаноат комитети | 100,0 | — | 13,3 | —16,4 |
| ЎзССР Давлат агросаноат комитети | 99,0 | 15,8 | —5,8 | —6,0 |
| Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети | 99,9 | 6,7 | —9,1 | 6,8 |
| Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги | 99,2 | 5,6 | 0,6 | 0,1 |
| **Социал комплекс** | | | | |
| Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги | 99,2 | 14,7 | 8,0 | 4,7 |
| **Қурилиш комплекси** | 98,1 | 46,7 | 4,9 | 3,2 |
| **Қуйида Қорақалпоғистон АССР, Областлар ва Тошкент шаҳри** | | | | |

(Шу жумладан Иттифоқ қарамоғидаги саноат) бўйича 1988 йилнинг биринчи ярмида саноат иши тўғрисидаги маълумотлар берилган (процент ҳисобида);

| | маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши | шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналар улуши | 1987 йилнинг I ярмига нисбатан ўсиш суръатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми | меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон АССР | 99,1 | 12,5 | —4,1 | —6,0 |
| Андижон области | 98,6 | 16,5 | —2,6 | —7,9 |
| Бухоро области | 99,0 | 27,1 | 17,3 | 11,7 |
| Жиззах области | 98,6 | 16,3 | 4,4 | 2,8 |
| Қашқадарё области | 98.3 | 15,2 | 11,9 | 8,1 |
| Навоий области | 99,8 | 17,2 | 2,4 | 3,7 |
| Наманган области | 99,5 | 7,5 | —0,8 | —4,2 |
| Самарқанд области | 99,5 | 11,1 | —1,0 | —3,3 |
| Сурхондарё области | 99,5 | 14,0 | —0,6 | —3,1 |
| Сирдарё области | 98,9 | 2,5 | —14,7 | —15,4 |
| Тошкент области | 97,9 | 24,4 | —1,1 | 0,3 |
| Фарғона области | 99,1 | 16,2 | 0,7 | 0,2 |
| Хоразм области | 99,8 | 9,4 | 10,2 | 2,8 |
| Тошкент шаҳри | 98,5 | 17,6 | 5,8 | 6,2 |

1988 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалиги **комплекслари** тармоқларининг иши қуйидаги маълумотлар билан белгиланади.

#### ЕҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

| | 1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси | топшириқнинг бажарилиш процента | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Электр энергияси, миллиард киловатт-соат | 25,7 | X | 92 |
| Газ, миллиард кубметр | 20,3 | 106 | 99,5 |
| Кўмир, миллион тонна | 2,9 | 98 | 130 |

Топшириққа қўшимча тарзда 90 минг тонна (газ конденсати ҳам шу ҳисобга киради) нефть, 1,2 миллиард куб метр газ қазиб олинди. Аммо кўмир қазиб олиш топшириғи бажарилмай қолди.

Комплекснинг бир қанча бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларини тўла бажармадилар. Умуман комплекс бўйича 2,6 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот кам етказиб берилди, жумладан, СССР Кўмир саноати министрлиги корхоналари 2,4 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

#### МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

Металлургия комплексининг корхоналари пўлат ва прокат ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юбордилар.

Йўл қўйилган қолоқлик истеъмолчилар олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг тўла бажарилишига имкон бермади. Ўзбекистон металлургия заводи (шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши 88,7 процент бўлди) ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати (97,5 процент) маҳсулот етказиб беришда жуда катта қолоқликка йўл қўйдилар.

#### МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

| | 1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси | топшириқнинг бажарилиш процента | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ўзгарувчан ток электр двигателлари, минг киловатт | 297 | 101 | 163 |
| Кучланиш трансформаторлари, миллион киловольт-ампер | 3,9 | 90 | 93 |
| Компрессорлар, минг дона | 5,5 | 89 | 101 |
| Химиявий ускуна ва унга эҳтиёт қисмлар, миллион сўмлик | 21,9 | 100,6 | 120 |
| Енгил саноат учун технологик ускуна ва унга эҳтиёт қисмлар миллион сўмлик | 51,7 | 99 | 113 |
| Йигирув машиналари, дона | 772 | 102 | 110 |
| Тракторлар, минг дона | 11,3 | 101 | 87 |
| Трактор прицеплари, минг дона | 16,8 | 95 | 103 |
| Қишлоқ хўжалик машиналари, миллион сўмлик | 98,9 | 100,2 | 108 |
| Пахта териш машиналари, минг дона | 4,2 | 99 | 108 |
| Экскаваторлар, дона | 824 | 101 | 106 |

Машинасозлик комплексида давлат буюртмаси топшириғи бажарилди ва электр двигателлар, электр пайвандлаш ускуналари, экскаваторлар, лифтлар ҳамда машина ва ускуналарнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришилди.

Машинасозлик комплекси министрликлари иши бир мунча яхшиланди. Комплексда маҳсулот ишлаб чиқариш 9,6 процент ошди, бу умуман саноатдагига нисбатан 5,1 баравар кўпдир.

Шу билан бир қаторда, СССР Электротехника саноати министрлиги корхоналари 1,9 минг дона кучланиш трансформаторларини, СССР Химия машинасозлиги министрлиги корхоналари 652 та компрессорни, СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналари 825 та трактор прицепи, 52 та пахта териш машинасини топшириқдагига нисбатан кам тайёрладилар.

Умуман машинасозлик корхоналари истеъмолчиларга 20,7 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. СССР Электротехника саноати министрлигининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари (16,9 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар), СССР Автомобиль саноати министрлиги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари (575 минг сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар) жуда кўп миқдорда қарз бўлиб қолдилар.

#### ХИМИЯ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

| | 1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси | топшириқнинг бажарилиш процента | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Минерал ўғитлар (таркибидаги озуқа моддалари 100 процент деб ҳисобланганда), минг тонна | 1004 | 106 | 105 |
| Ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари( таъсир этувчи модда 100 процент деб ҳисобланганда), минг тонна | 22,7 | 105 | 137 |
| Сульфат кислотаси, минг тонна | 1261 | 99,8 | 103 |
| Химиявий тола ва калава, минг тонна | 24,8 | 102 | 107 |
| Синтетик смола ва пластмассалар, минг тонна | 79,7 | 96 | 98 |
| Қоғоз, минг тонна | 12,7 | 100,7 | 99,8 |
| Картон, минг тонна | 27,7 | 101 | 100,9 |

Химия-ўрмон комплексининг корхоналари синтетик аммиак, минерал ўғитлар, полимер плёнка, қоғоз ишлаб чиқариш топшириғини бажардилар. Сульфат кислота, капролактам, карбомид ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади.

Йўл қўйилган қолоқлик шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга имкон бермади. Умуман, комплекс корхоналари 14,5 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар. СССР Химия саноати министрлиги корхоналари (6,1 миллион сўмлик), Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги корхоналари (3,2 миллион сўмлик) энг кўп миқдорда қарз бўлиб қолдилар.

#### ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ САНОАТИ

| | 1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси | топшириқнинг бажарилиш процента | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Цемент, миллион тонна | 2,8 | 101 | 102 |
| Асбестцемент тахта, миллион шартли плита | 228 | 99 | 103 |
| Асбестцемент қувурлар ва муфталар, минг километр шартли қувур | 1,2 | 99,8 | 103 |
| Дереза ойнаси, минг квадрат метр | 1128 | 100,1 | 108 |

Қурилиш комплексининг саноат корхоналари цемент, керамик-дренаж қувурлари, линолеум ишлаб чиқариш топшириқларини бажардилар.

Шу билан бир қаторда деворбоп материаллар, пол учун керамик плиталар, қурилиш чинниси, ярим чинниси ва фаянс ишлаб чиқаришда қолоқликка йўл қўйилди.

Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши қуйидаги маълумотлар билан белгиланди:

| | 1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси | топшириқнинг бажарилиш процента | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ип газлама, миллион квадрат метр | 225 | 96 | 113 |
| Каноп толадан тўқилган газламалар, миллион квадрат метр | 5,5 | 104 | 94 |
| Жун газламалар, минг квадрат метр | 359 | 106 | 106 |
| Шойи газламалар, миллион квадрат метр | 69,4 | 102 | 105 |
| Трикотаж буюмлар, миллион дона | 52,9 | 99,2 | 112 |
| Пайпоқлар, миллион жуфт | 46,5 | 104 | 116 |
| Пойабзал, миллион жуфт | 20,5 | 104 | 105 |
| Холодильник ва морозильниклар, минг дона | 81,0 | 100,02 | 120 |
| Мебель, миллион сўмлик | 122 | 97 | 111 |
| Чинни, фаянс идишлар, миллион сўмлик | 35,9 | 102 | 103 |
| Сирланган пўлат идишлар, миллион сўмлик | 16,3 | 73 | 82 |

Биринчи ярим йилда 4,7 миллиард сўмлик халқ истеъмоли товарлари (алкоголь ичимликлар қиймати бу ҳисобга кирмайди) ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,3 миллиард сўмлик кўпдир. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш плани бажарилди. Шу билан бир қаторда, СССР Химия машинасозлиги министрлиги, СССР Йўл қурилиши машинасозлиги министрлиги, СССР Медицина-биология саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари топшириқни бажаришда қолоқликка йўл қўйдилар. Ўтган давр мобайнида истеъмолчилар 4,4 миллион сўмлик мебель, 6,7 миллион сўмлик сирланган пўлат ва сортли идишларни кам олдилар. Ип-газлама, тиқувчилик саноати маҳсулотлари, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш ярим йиллик топшириқлари бажарилмади.

Товарларнинг анчагина қисми истеъмолчилар билан келишиб олинган маҳсулот турига риоя этилмай ишлаб чиқарилмоқда, бу эса шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келмоқда. ЎзССР Енгил саноат министрлигининг 11 корхонаси ва бирлашмаси (жами корхоналарнинг 15 проценти) ўтган ярим йилда ана шундай нуқсонларга йўл қўйиб ишладилар. Улар конкрет истеъмолчилар кутиб турган қарийб 15 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар.

#### АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Асосий **Озиқ-овқатлар** ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан белгиланди.

| | 1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси | топшириқнинг бажарилиш процента | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (саноат йўли билан тайёрлангани), минг тонна | 137 | 99,1 | 106 |
| Колбаса маҳсулотлари, минг тонна | 28,9 | 99,0 | 98 |

(Давоми учинчи бетда).

# ИШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

(Боши иккинчи бетда).

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мол ёғи, минг тонна | 7,0 | 106 | 107 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, сутга айлантириб ҳисоблаганда, минг тонна | 333 | 104 | 105 |
| Маргарин маҳсулотлари, минг тонна | 16,7 | 100,9 | 100,6 |
| Ўсимлик ёғи, минг тонна | 281 | 104 | 97 |
| Кондитер маҳсулотлари, минг тонна | 100 | 104 | 110 |
| Минерал сувлар, миллион декалитр | 5,4 | 103 | 110 |
| Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 8,7 | 107 | 114 |

Гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ярим йиллик плани бажарилмади. Тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати пастлигича қолмоқда.

1988 йил ҳосили учун **экин майдонлари** 4339,5 минг гектарни, шу жумладан, кузги дон экинлари 689,6 минг гектарни ташкил этди. Дон ва дон-дуккакли экинлар (дон учун маккажўхори экилган майдонлар ҳам шу ҳисобга киради) салмоғи умуман жами экин майдонларида 24 процентни, техника экинлари (пахта ҳам шу ҳисобга киради) 47 процентни ташкил этди. Сабзавот ва озуқабоп экинлар майдони кенгайди.

Ҳамма ерда озуқа тайёрланмоқда, аммо уни тайёрлаш суръатлари ўтган йилдагидан пастдир.

Бошоқли дон экинлар ўрим-йиғими якунланмоқда. Июль ойи бошларида далаларда 3,9 мингта силос йиғиш ва озуқа ўриш комбайнлари ёки шундай машиналар жами сонининг 90 проценти, 2,8 мингта маккажўхори ўриш комбайни ёки шундай машиналарнинг 87 проценти ишлади. Қорақалпоғистон АССР, Навоий ва Қашқадарё областларининг хўжаликлари техникани ўрим-йиғим ишларига тайёрлашда бир мунча орқада қолмоқдалар.

Очиқ ерда етиштириладиган эртанги сабзавот, мева ва резавор мева хариди кўпайди. Республиканинг колхоз ва совхозлари 27 июнгача давлатга 332,9 минг тонна сабзавот ва 16,7 минг тонна мева ва резавор мева сотдилар. Қорақалпоғистон АССРда, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм областларидан ташқари барча областлардаги хўжаликларда сабзавот хариди кўпайди.

Биринчи ярим йилда мамлакатнинг саноат марказларига 196 минг тонна эртанги сабзавот ва 3,5 минг тонна мева етказиб берилди. 27 июнга қадар **умумиттифоқ фондига** сабзавот етказиб бериш йиллик топшириғи 39 процент ва мева етказиб бериш йиллик топшириғи 3,8 процент бажарилди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда йилнинг биринчи ярмида 170,3 минг тонна гўшт (тирик вазнда) етказиб берилди, бу ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 8 процент кўпдир. Шу даврда 485,9 минг тонна сут (5 процент кўп), 824,3 миллион дона (13 процент кўп) тухум етиштирилди.

Жиззах областининг хўжаликларида гўшт тайёрлаш, Самарқанд областининг хўжаликларида сут етиштириш, Андижон ва Наманган областларининг хўжаликларида тухум етиштириш камайди. Қорақалпоғистон АССР ва барча областлардаги хўжаликларда ҳар бир сигирдан ўртача сут соғиб олиш кўпайди, аммо Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм областларида бу кўрсаткич умуман республикадагидан 2 процентдан 24 процентгача камроқ бўлди.

Барча категориялардаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари хариди қуйидагича бўлди:

| | йилнинг биринчи ярми | | |
|---|---|---|---|
| | 1987 йил | 1988 йил | 1988 йилда 1987 йилга нисбатан (процент ҳисобида) |
| Чорва ва парранда (тирик вазнда), минг тонна | 187,4 | 191,8 | 102,4 |
| Сут, минг тонна | 452,8 | 470,6 | 103,9 |
| Тухум, миллион дона | 672,6 | 755,0 | 112,3 |

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг хўжаликлари чорва ва парранда хариди ҳажмларини, Самарқанд области хўжаликлари сут хариди ҳажмларини камайтирдилар.

1988 йилнинг биринчи ярмида 10,3 минг бош қорамол, 22,6 минг бош чўчқа ва 78,9 минг бош қўй-эчки нобуд бўлди.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда **чорва ва парранда** сони қуйидагича ўзгарди (минг бош):

| | 1 июлигача | | |
|---|---|---|---|
| | 1987 йил | | 1988 йил |
| Қорамол | 1704,1 | | 1692,7 |
| Шу жумладан сигирлар | 448,0 | | 439,3 |
| Чўчқалар | 599,3 | | 588,5 |
| Қўй ва эчкилар | 6286,1 | | 6551,3 |
| Парранда | 29694,6 | | 29857,3 |

Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ижарачи коллективлар тузишга зарур даражада эътибор бермаяптилар. 1 июлга қадар бўлган маълумотларга кўра жами 52 колхоз ва совхозда ижара пудрати қўлланилди.

Қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар ва озуқабоп химиявий қўшимчалар айрим турларини етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар бажарилди.

785 та дон комбайни, 552 та озуқа экинлари йиғиштириш комбайни, 134 та маккажўхори комбайни, 130 та қаторли жатка, 5 мингта трактор плуги, 7,1 мингта трактор культиватори, 268 та трактор сеялкаси, 1,4 мингта трактор ўроқ машинаси, 19 та ёмғирлатиш машинаси ва қурилма, 425 та пресс-подборщик, 2,3 мингта пахта териш машинаси, 234 та ерга минерал ўғит соладиган машина етказиб берилди. Трактор сеялкалари, пахта териш машиналари ва маккажўхори комбайнлари шартномавий мажбуриятларда кўзда тутилганидан кам етказиб берилди.

850,6 минг тонна (тўйимли моддаси 100 процент ҳисоблаганда) ёки ўтган йилнинг шу даврдагига қараганда 5,6 минг тонна кам минерал ўғит, 3,2 минг тонна озуқабоп химиявий қўшимча етказиб берилди.

Агросаноат комплексини ривожлантириш учун сарфланган **капитал маблағлар** (қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқлар ҳам шу ҳисобга киради) маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига 1,8 миллиард сўм бўлди.

Давлат маблағлари ҳисобидан мол боқиш учун чорвачилик binolari, силос ва сенаж иншоотлари, чорвачилик учун озуқа цехлари қурилди. Картошка, сабзавот ва мева сақланадиган омборлар ишга туширилди.

12,4 минг гектар янги суғориладиган ер фойдаланишга топширилди.

Мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариладиган, гўштни қайта ишлайдиган қувватлар, шунингдек Ғиждувондаги парандачилик фабрикасида ва зотли парранда репродукторлари қувватлари оширилди. Элеватор, минерал ўғит, заҳарли химикатлар ва оҳак материаллар асраладиган омборлар фойдаланишга топширилди.

### КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ва корхона ҳамда ташкилотларнинг фондларидаги маблағлар эвазига 1988 йилнинг биринчи ярмида 1,9 миллиард сўмлик **асосий фондлар** ишга солинди.

2,4 миллиард сўмлик ёки шу давр учун белгиланган лимитнинг 95 проценти миқдорида давлатнинг марказлаштирилган **капитал маблағлари** ўзлаштирилди. Йилнинг биринчи ярмида давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари лимити ёқилғи-энергетика комплексида 87 процент, металлургияда 96 процент, машинасозликда 93 процент, химия-ўрмон комплексида 95 процент фойдаланилди.

Корхона ва ташкилотларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши корхона ва ташкилотларнинг фонд маблағлари эвазига капитал маблағлар ҳажмининг ўсишига ёрдам берди, бу қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди.

| | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида) | |
|---|---|---|
| | капитал маблағ — жами | шу жумладан корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағи ҳисобидан |
| Халқ хўжалигида жами | 101 | 172 |
| Ёқилғи-энергетика комплекси | 107 | 117 |
| Металлургия комплекси | 120 | 137 |
| Машинасозлик комплекси | 85 | 104 |
| Химия-ўрмон комплекси | 97 | 158 |
| Қурилиш комплекси | 101 | 108 |

Корхона ва ташкилотлар ўз маблағларидан 348 миллион сўм миқдорида фойдаландилар, халқ хўжалигидаги капитал маблағларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши 13 процент, шу жумладан ёқилғи-энергетика комплексида — 20, металлургияда — 42, машинасозликда — 48, химия-ўрмон комплексида — 71 ва қурилиш комплексида 15 процент бўлди.

1988 йилнинг биринчи ярмида бир қанча ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлар ишга солинди. Булар орасида Тошкент область Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватлари, Тошкентдаги 5-йирик панелли уйсозлик заводининг йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқариш қувватлари, Қаршидаги керамзит қум-шағал заводининг керамзит ишлаб чиқариш қувватлари, нефть базаларидаги идишлар бор, Андижон ип-газлама комбинатида тайёр газлама ишлаб чиқариш қувватлари, Тошкент пойабзал фабрикасининг Сирдарё область Гулистон шаҳридаги филиалида чарм пойабзал тикиладиган қувватлар ишга солинди. Тошкент область Янгибозор шаҳрида район босмахонаси ишга тушди.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш юзасидан биринчи ярим йиллик учун белгиланган топшириқ бажарилмади. Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводида қора металлар прокати ишлаб чиқариш юзасидан қувватлар, Тошкент областидаги «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасида цемент, турли корхоналарда йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилмади.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари** ҳажми 5 процент, меҳнат унумдорлиги 6,6 процент кўпайди.

Пудрат ишлари плани қурилиш ташкилотларида жами 101 процент бажарилди.

Қурилиш комплекси министрликлари ва идораларида планнинг бажарилиши, ўз кучлари билан амалга ошириладиган пудрат ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги қуйидаги маълумотларда ифодаланган:

| | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида) | | |
|---|---|---|---|
| | пудрат ишлари ҳажми 1 ярим йиллик планининг бажарилиш проценти | пудрат ишлари ҳажми | меҳнат унумдорлиги |
| Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги ҳам шу ҳисобга киради) — жами | 103 | 105 | 108,4 |
| Шу жумладан: | | | |
| Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги | 101 | 103 | 106,6 |
| Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги | 105 | 107 | 108,7 |
| «Главташкентстрой» | 100,1 | 106 | 110,1 |
| Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги | 106 | 104 | 109,6 |
| СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги | 109 | 105 | 104,7 |
| СССР Транспорт қурилиши министрлиги | 105 | 109 | 110,1 |

Шу йил ишга туширишмўлжалланган ишлаб чиқариш объектларида пудрат ишлари плани 98 процент бажарилди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Главташкентстрой» белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминламади.

### ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг айрим турларида юкларнинг **жўнатилиши** қуйидаги маълумотлар билан характерланади( миллион тонна):

| | 1988 йилнинг 1 ярмида | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Жами | 185,5 | 100,8 |
| Шу жумладан: | | |
| Темирйўл транспорти | 37,2 | 101,0 |
| Автомобиль транспорти | 148,3 | 100,7 |
| Авиация транспорти, минг тонна | 27,4 | 100,1 |

Юк жўнатиш топшириғини темирйўл транспорти 101,2 процент, авиация транспорти 110,9 процент, автомобиль транспорти 99,6 процент бажарди.

Темирйўл транспортида қора металлар, цемент, металл конструкциялар, рангли металлар рудаси ва олтингугурт хом ашёси жўнатиш ярим йиллик плани бажарилмади.

Автомобиль ва авиация транспорти 1.192,6 миллион пассажир (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,4 процент) пассажир ташиб берди.

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг ҳамма турлари **пассажир оборот**и 4 процент камайиб, 16,4 миллиард пассажир-километрни ташкил этди.

Темирйўл транспорти ва Граждан авиациясининг пассажир обороти ўтган йилнинг январь-июнига нисбатан 2,2 процент кўпайди. Бироқ, автомобиль транспортининг пассажир обороти 7,4 процент камайди.

Транспорт ҳаракатининг графиги бузилиб турди. Темирйўл транспортида 1988 йилнинг биринчи ярмида юк ва пассажир поездларининг қатнов жадвалига риоя этилмади; самолётларнинг қатнов мунтазамлиги 83,9 процентни, шаҳар маршрутларидаги автобусларнинг қатнов мунтазамлиги 91,4 процентни ташкил этди.

Шаҳар электр транспортида пассажир ташиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 процент кўпайди. Умуман республикада электр транспортининг ҳамма турларида пассажир ташиш юзасидан белгиланган план топшириғи бажарилди.

Аҳолига транспорт хизмати ва транспортнинг моддий базаси анча яхшиланиши лозим. Амалдаги трамвай изларининг 6 процентдан кўпроғи авария ҳолатида турибди, ҳар беш километр изнинг бир километри капитал ремонтни талаб қилади, излар остидаги тўсинларнинг 28,5 проценти, трамвай контакт тармоғининг 15 процентдан кўпроғи ва троллейбус контакт тармоғининг салкам 28 проценти ишдан чиққан. Ҳар уч трамвай вагонининг биттаси ва ҳар беш троллейбуснинг биттаси ўн йилдан ортиқ ишлатилмоқда.

Умумий фойдаланишдаги автобусларда ва енгил таксиларда пассажир ташишдан олинган даромад 221,9 миллион сўмни ёки планга нисбатан 100,4 процентни, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102 процентни ташкил этди.

1988 йилнинг биринчи ярмида аҳолига 45,3 миллон сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,3 процент кўп **алоқа хизмати** кўрсатилди. План 101,2 процент қилиб бажарилди. Бироқ хат-хабарларни ўз вақтида етказиб бермаслик, почта жўнатувларини ва юборилган пулларни йўқотиш ҳамда ўғирлаш ҳоллари содир бўлиб келмоқда.

### IV. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ОШИШИ

**Аҳолининг меҳнат ҳақи ва даромадлари.** 1988 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг шу даврдаги 166 сўмдан 171 сўмга, колхозларнинг ижтимоий хўжалигида колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 118 сўмдан 125 сўмга етди.

Ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтиш давом этди. 1988 йилнинг 1 майига қадар 712,4 минг ходим меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтказилди.

Бу иш қишлоқ хўжалигида ҳаддан ташқари қониқарсиз олиб борилмоқда, бу соҳада меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтказилганлар сони шу шароитга ўтказилиши лозим бўлган жами ходимларнинг бор-йўғи 4,2 процентини ташкил қилади.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 3,7 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 4,4 процент кўп тўлов ва имтиёзлар олди.

Ўн йил ва ундан кўпроқ вақтдан буён колхозларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига тўлаб келинаётган пенсияларнинг минимал миқдорлари оширилмоқда.

Медицина хизматини, шунингдек етим болаларнинг, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг моддий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари ўтказилди, соғлиқни сақлаш муассасаларида беморларнинг овқатига, дори-дармон, асбоб-ускуна ва анжомлар сотиб олишга қилинадиган харажат нормалари кўпайтирилди, 3 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун дори-дармон бепул бериладиган бўлди ва бошқа имтиёзлар жорий этилди.

Аҳолининг омонат банк муассасаларига қўйган омонатлари 1988 йилнинг биринчи ярмида 344,3 миллион сўм миқдорида ёки 6,2 процент кўпайди.

**Аҳолини моллар ва хизматлар билан таъминлаш.** Аҳолига халқ истеъмоли моллари сотиш ва пулли хизматлар кўрсатиш 1988 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,5 процент кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар обороти** 7,3 миллиард сўмни ташкил этди ва 1987 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 0,6 миллиард сўмлик кўпайди. Умуман республикада чакана товар обороти плани бажарилди. Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм областлари ва Тошкент шаҳри товар обороти планининг бажарилишини таъминладилар.

Давлат ва кооператив савдосида айрим молларнинг сотилиши қуйидаги маълумотлар билан характерланади (таққослама нархларда; миллион сўм):

| | 1988 йилнинг 1 ярмида сотилгани | 1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида) |
|---|---|---|
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 694 | 109 |
| Балиқ ва балиқ маҳсулотлари | 40 | 104 |
| Сариёғ | 72 | 105 |
| Ўсимлик ёғи | 120 | 103 |
| Маргарин маҳсулоти | 24 | 97 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари | 92 | 105 |
| Пишлоқ | 7 | 105 |
| Тухум | 83 | 119 |
| Қанд-шакар | 132 | 107 |
| Кондитер маҳсулотлар | 250 | 106 |
| Чой | 88 | 100 |
| Ғалла маҳсулотлари, минг тонна | 1486 | 103 |
| Картошка, минг тонна | 75 | 69 |
| Сабзавот, минг тонна | 170 | 106 |
| Мева ва узум, минг тонна | 13 | 78 |
| Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 6 | 106 |
| Минерал сувлар, миллион декалитр | 5 | 110 |
| Мева ва сабзавот шарбатлари, миллион шартли банка | 48 | 112 |
| Кийим-кечак, ич кийим ва газламалар | 1033 | 108 |
| Тиркотаж буюмлар | 272 | 101 |
| Пайпоқлар | 60 | 115 |
| Пойабзал | 330 | 112 |
| Чинни-фаянс, майолика ва шиша идишлар | 64 | 103 |
| Совун ва синтетик кир ювиш воситалари | 42 | 106 |
| Мебель | 158 | 109 |
| Холодильник ва морозильниклар, минг дона | 68 | 104 |
| Шу жумладан сиғими 200 куб дециметр ва ундан ортиқ камерали холодильник ҳамда морозильниклар | 30 | 105 |
| Кир ювиш машиналари, минг дона | 108 | 108 |
| Электр пилесослар, минг дона | 60 | 120 |
| Соатлар, минг дона | 828 | 96 |
| Фотоаппаратлар, минг дона | 32 | 126 |
| Радиоприёмниклар, минг дона | 150 | 93 |
| Телевизорлар, минг дона | 130 | 100 |
| Шу жумладан рангли тасвирли телевизорлар | 57 | 129 |
| Магнитофонлар, минг дона | 103 | 112 |
| Ёғоч материаллари, минг кубметр | 952 | 134 |
| Шифер, миллион шартли тахта | 220 | 111 |
| Автомобиль бензини, минг тонна | 240 | 117 |

Алкоголли ичимликлар сотиш натура ҳолатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бироз кўпайди. Шу билан бирга шампан виноси 0,3 процент, арақ ва ликёр-арақ маҳсулотлари 0,9 процент, пиво 17 процент кўп сотилди, вино ва коньяк 3-4 процент кам сотилди.

Товар обороти плани бажарилган бўлишига қарамай, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва пойабзал билан таъминлаш муаммоси ўткирлигича қолмоқда.

Аҳолини ўз жойида таъминлашни яхшилаш учун чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида дуруст активлик кўрсатилмаяпти.

Аҳолини картошка, сабзавот ва мева билан таъминлашда узилишлар рўй бермоқда. Айни вақтда йилнинг биринчи ярмида озиқ-овқат маҳсулотлари учун яроқсиз деб топилган 4 минг тоннадан кўпроқ картошка, сабзавот ва мева савдо ҳисобидан чиқарилиб, чорвага берилди.

Рўзғор техникасига ва радио-телеаппаратларга бўлган талаб қондирилмаяпти, уларнинг турларини янгилаш секинлик билан бормоқда.

Ёғоч ва бинокорлик материаллари сотиш 34 процент кўпайди. Бироқ аҳолининг кўпгина бинокорлик материалларига бўлган талаб-эҳтиёжлари ҳали ҳам таъминланмаяпти.

Аҳолига кўрсатилган **пулли хизмат** ҳажми 853,4 миллион сўмликни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,3 процент кўпайди. Умуман республикада пулли хизмат кўрсатиш плани 92,2 процент бажарилди. Наманган ва Самарқанд областларигина план топшириқларининг бажарилишини таъминладилар.

Ишчи ва хизматчилар иш жойида 9,7 миллион сўмлик турли материал ва маҳсулотларни сотиб олдилар. Шу билан бирга кенгроқ миқёсда пулли хизмат кўрсатиш имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти — министрлик ва идораларнинг тўртдан бир қисмигина планларнинг бажарилишини таъминлади.

Аҳолига 316,2 миллион сўмлик ёки ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 25,1 процент кўп маиший хизмат кўрсатилди. План 102,7 процент бажарилди. Бироқ маиший хизматнинг кўпгина турларига бўлган талаб қондирилмаяпти; буюртмаларни шошилинч бажариш муносиб равишда ривожлантирилмаяпти, хизмат кўрсатиш савиясининг пастлиги ҳақида гражданлардан кўплаб шикоят тушмоқда.

**Уй-жой ва социал-маданий қурилиш.** Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағлари ҳисобидан жами саҳни 1,430 минг квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уй-жойларни фойдаланишга топшириш 5 процент кўпайди.

Умуман республикада уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан йилнинг биринчи ярми учун белгиланган план ошириб бажарилди. Шу билан бирга Жиззах ва Навоий областлари, шунингдек Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети план-топшириқларининг бажарилишини уддалай олмадилар.

Фойдаланиш учун топширилган уй-жой ҳажмида корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағи ҳисобидан қурилган уйларнинг улуши 1987 йилнинг биринчи ярмига нисбатан кескин кўпайди. Корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказилганлиги бунга кўмаклашди.

76,8 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 12,7 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 1,2 минг ўринли касалхоналар ва сменада 3,1 минг беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, 2,9 минг ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 1,4 минг ўринли клублар ва маданият уйлари қурилди. Умуман республикада умумий таълим мактабларини, ҳунар-техника билим юртларини, шунингдек клублар ва маданият уйларини ишга тушириш юзасидан йилнинг биринчи ярми учун белгиланган план бажарилмади. Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё областларида ва Тошкент шаҳрида умумий таълим мактабларини фойдаланишга топшириш планининг бажарилиши таъминланмади. Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро ва Қашқадарё областларида бironта ҳунар-техника билим юрти ишга туширилмади. Қорақалпоғистон АССРда, Жиззах ва Сирдарё областларида клубларни ҳамда маданият уйларини ишга тушириш план топшириғи бажарилмади.

Санаторийлар, дам олиш муассасалари, туристларга мўлжалланган меҳмонхоналар ва базалар тармоғи кенгайди. Бироқ аҳолининг ташкилий дам олишга ва санаторий-курортларда даволанишга бўлган эҳтиёжлари айниқса ёз фаслида тўла-тўкис таъминланмаяпти.

376 минг йигит ва қиз ўрта маълумот олди, шу жумладан 298 минг йигит ва қиз умумий таълим мактабларини битириб чиқди.

Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун олий ва ўрта махсус маълумотли 129 минг, шу жумладан олий маълумотли 41 минг ва ўрта махсус маълумотли 88 минг мутахассис тайёрланди.

**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.** Зарарли моддаларни атмосферага чиқариб юборишни қисқартириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда қайта тиклаш тадбирлари ўтказилди. 1988 йилнинг биринчи ярмида умуман республикада саноат чиқитларини ҳавога учириш 1987 йилнинг шу даврига нисбатан 82,3 минг тонна миқдорида камайтирилди. СССР Нефть химияси саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, Ўзбекистон ССР Госстройи, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг корхоналарида зарарли моддаларни ҳавога учириш анча камайтирилди. Шу билан бирга табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни бузган айрим корхоналарнинг иши тўхтатиб қўйилди. Шунинг оқибатида бекор туриб қолинган жами вақтнинг ярмидан кўпроғи Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг корхоналарига, 12-16 проценти Самарқанд, Андижон, Қашқадарё областларининг корхоналарига тўғри келади. Очиқ сув ҳавзаларининг ювинди сув билан нормативдан ортиқча ифлосланганлиги учун тақдим этилган талабномаларга мувофиқ бюджетга 846 минг сўм жарима тўланди. 1,6 минг мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу беш йилликнинг биринчи ярмида муттасил олға силжиш учун зарур шарт-шароит яратилди, бироқ республиканинг иқтисодий ва социал тараққиётида ҳали туб бурилишга эришилгани йўқ. Экономикани янада юксалтириш, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажариш соҳасидаги куч-ғайратларни ошириш зарур.

***Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети***

# СССР Олий Совети делегацияси Уругвайда

МОНТЕВИДЕО, 28 июль, (ТАСС). Уругвай Шарқий республикасининг президенти Хулио Мариа Сангинетти бу ерга расмий визит билан келган СССР Олий Совети делегациясига бошчилик қилаётган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари П. Қ. Ҳабибуллаевни қабул қилди.

П. Қ. Ҳабибуллаев Х. М. Сангинеттига СССР Олий Совети Президиумининг мактубини топширди.

Учрашувда СССР билан Уругвайнинг тарихий хусусиятларини, уларнинг бошқа давлатлар билан алоқаларини тўла тушуниб етган ҳолда туб муаммолар ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан икки мамлакат раҳбарлари ўртасида қарор топган чуқур мулоқот давом эттирилди. Суҳбат чоғида регионал муаммолар, энг аввало Лотин Америкаси муаммоларига ҳам батафсил тўхталб ўтилди.

Совет — Уругвай икки томонлама муносабатлари масалаларининг муҳокама қилиниши бу муносабатлар ижобий ривожи динамикасини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу йилнинг март ойида президент Х. М. Сангинетти билан Москвадаги учрашуви чоғида асос солинган йўлни давом эттиришга ҳар икки томоннинг самимий истакларини акс эттирди.

* * *

СССР Олий Совети делегацияси 27 июль куни Уругвай вице-президенти, бош ассамблея (парламент) ва сенатнинг раиси Энрике Тариго билан учрашди. Сўнгра делегация вакиллар палатасининг раиси Эрнесто Аморино Ларраньяго билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатларда Уругвай парламенти иккала палатасининг раислари Совет Иттифоқидаги ўзгаришлар жараёнига катта қизиқиш билдирдилар ва бу ўзгаришларга юксак баҳо бердилар. Уларни СССР Олий Советининг структураси, янги шароитда барча босқичдаги Советларнинг фаолияти қизиқтирди. Совет парламент аъзолари уругвайлик ҳамкасбларини СССРда демократиялаш ва ошкоралик жараёнларининг ривожланиши билан, бу йўлда дуч келинаётган қийинчиликлар билан таништирдилар.

Суҳбатларда халқаро муносабатларни қайта қуриш юзасидан самарали фикр алмашиш катта ўрин тутди. Жаҳоншумул муаммолар билан бир қаторда регионал можаролар — Афғонистондаги, Эрон билан Ироқ ўртасидаги, Марказий Америкадаги можаролар муҳокама қилинди. Томонлар барча масалаларни фақат тинч йўл билан ҳал қилишни ёқладилар.

Суҳбатларда парламент йўли билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бу алоқаларнинг янги шаклларидан, хусусан парламентлар доимий комиссиялари ўртасидаги алоқалардан, ўзаро танишиш учун бир-бирларига депутатлар группаларини юборишдан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

# КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

Техника ижодкорлигини ривожлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика совети президиуми ва СССР илмий ва инженерлик жамияти Ўзбекистон республика союзининг президиуми шу йил 1 сентябрдан 1989 йил 1 майга қадар ҳаваскор муаллифларнинг республика кўригини ўтказишга қарор бердилар.

Кўрикни ўтказишдан мақсад — республикада техник ижодкорликни янада жонлантиришдан, ҳаваскор муаллифларни КПСС XXVII ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездлари томонидан фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича қўйилган вазифаларни ҳал этишга жалб қилишдан, юксак самарали ишланмаларни аниқлаб, уларни ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Кўрикда республикадаги барча ҳаваскор муаллифлар, шунингдек, ёшидан қатъи назар, муаллифлар коллективлари иштирок этишлари мумкин. Кўрик икки босқичда бўлади. Биринчисида область кўрик комиссиялари ташкилий-оммавий ва тушунтириш ишларини амалга оширадилар, ҳаваскор муаллифларнинг кўрикда фаол иштирок этишларини таъминлайдилар, қимматбаҳо техник янгиликларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишига кўмаклашадилар. Биринчи босқич натижалари 1989 йил 1 февралдан 1 мартга қадар чиқарилади. Шу асосда энг яхши ишлар танлаб олиниб, республика кўрик комиссиясига тақдим этилади.

Иккинчи босқичда республика кўрик комиссияси тақдим этилган материаллар (ишлар)ни кўриб чиқади, уларни тақризга беради, энг яхши ишланмаларни телевидение орқали намойиш этишга, матбуотда ёритишга тавсия қилади. Халқ хўжалиги аҳамиятига молик ишланмалар қўлланишга тавсия этилади.

Республика кўриги якунлари бўйича Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳаваскор муаллифларнинг ишлари виставкаси ташкил этилади. Кўрик ғолиблари дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар. Чунончи, 600 сўмлик битта биринчи, ҳар бири 400 сўмлик иккита иккинчи, ҳар бири 200 сўмлик учта учинчи пул мукофоти таъсис қилинган.

**Кўрикда иштирок этишга қарор қилган кишилар диққатига! Агар сиз конкурсда қатнашмоқчи бўлсангиз, бунинг учун ишланма, таклифингизнинг батафсил баёнини; чизмаларни, схемаларни, фотосуратларни: агар бўлса ихтиро ёки рационализаторлик таклифига берилган авторлик гувоҳномасининг нусхасини тақдим этишингиз керак. Айни пайтда ишланмалар жорий этилганлиги туфайли олинган (тахмин этилаётган) иқтисодий самара тўғрисидаги маълумотларни; таклиф этилаётган ишланмадан фойдаланиш мумкин бўлган объектлар, халқ хўжалиги тармоқлари ёки корхоналар рўйхати ҳам кўрсатилади. Шунингдек, моделлар, макетлар, тажриба нусхалари, агар бўлса ишланмаларни жорий этиш актлари ҳам тақдим этилиши мумкин.**

**Кўрикка ишлар бир нусхада топширилади. Конверт (пакет) устига: «Ҳаваскор муаллифларнинг республика кўригига» деб ёзиб қўйишни унутманг.**

**Коллектив равишда тақдим этилган ишларга муаллифларнинг рўйхати ҳамда уларнинг ишланмадаги иштироки улуши процентларда, ҳар бир қатнашчи имзоси билан қўшиб кўрсатилади.**

Маълумотлар учун қуйидаги адресга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, 5-хона. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Ўзбекистон республика совети. Телефон: 33-98-46.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

*• Шахмат бурчаги*

# ТОЖДОР ТАШАББУСИ БИЛАН

**Халқаро арбитр М. МУҲИДДИНОВ бошқаради**

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) фаолиятидан қониқиш ҳосил қилолмаган Гарри Каспаров ажойиб бир ғояни ўртага ташлади. Бу жаҳон шахмат ҳаётида рўй бериб келган турғунликка барҳам беришга кўмаклашувчи яна бир жамоат ташкилоти — Гроссмейстерлар кенгашини тузишдан иборат эди. Буни кўпчилик қўллаб-қувватлади: расман Кенгаш тузилиб, жаҳон чемпиони унинг президенти этиб сайланди.

Гроссмейстерлар кенгаши режалаштирган кўпгина тадбирлардан бири — Жаҳон шахмат кубогини ўтказиш эди. Низомга кўра рейтинг-даражаси энг юқори бўлган 25 нафар гроссмейстер 1988-1989 йилларда ўтадиган кубок мусобақаларида иштирок этади.

Апрель ойининг охирларида Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида жаҳон шахмат кубоги учун дастлабки super-турнир ниҳоясига етди. Бу ерда улоқ Анатолий Карповда кетди. Жаҳон экс-чемпиони 16 учрашувдан 7 тасини ютиб, атиги биттасини бой берди; қолганлари дуранг бўлди. Қуйидаги партия мусобақанинг олтинчи турида ўйналган эди.

**А. КАРПОВ — Я. ТИММАН**

Брюссель, 1988 йил, 5 апрель

**1. d4 d5 2. c4dc 3. e4**

А. Карпов қабул қилинган фарзин гамбити деб аталувчи дебютнинг кескин вариантларидан бирини танлади.

**3... Kf6 4. e5 Kd5 5. C:c4 Kb6 6. Cd3 Kc6 7. Ke2 Cg4 8. Ce3 C:e2 9. C:e2 Фd7 10. Kc3 O—O—O 11. a4 a6** (11...K:d4 билан бир пиёдани ютса бўлмасмиди? Буни ўзингиз кўриб чиқинг азизлар) **12. a5 Kd5 13. Cf3 Kdb4** (13...e6?? бўлса, 14. K:d5 ed 15. Cg4! ва қора фарзин очмасда қолади) **14. e6 Ф:e6 15. d5 Фe5 16. O—O e6.**



17. dc! Оқлар фарзинни қурбон қилмоқда. Бу пиёдасини ҳам бериб қўйса оқларга ўйин қолмасди. Қурбон олдиндан пухта тайёрланган эди.

**17... Л:d1 18. cb+Kp:b7 19. Лf:d1 Cc5 20. C:c5 Ф:c5** Моддий устунлик аслида қораларда. Аммо оқларнинг ишонган тоғи — b7 даги пиёдаси борки, кураш ўшанинг атрофида кечади.

**21. Лd7 f5 22. Лad1 Kc6 23. Ka4! Фb5** (23... Фc2? 24. Kc3! Kp:b7 25. Л1 d6! Фc1+ 26. Kd1! дан сўнг ўйин тугарди) 24. Лc1 Ф:a4 25. Л:c6 Ф:a5 26. Л:c6 Kpa7 27. g5 g5 28. Л:h7! Лb8 (28... Л:h7? 29. Лe8!) 29. h3 g4 30. hg fg **31. Cg2 Фa1+ 32. Kph2 Ф:b2. 33. Лhh6 Фa2 34. Лef6 c5 35. Лf4 Фd2?** (катта хато. 35... c4! суриш керак эди).

**36. Cf1 Л:b7 37. Л:a6+ Kpb8+ 38. Лf8 Kpc7 39. Cg2 Фd7. 40. Лh8 c4 41. Ce4** Қоралар таслим бўлди, зеро 42. Лh7 дан қутилишнинг иложи йўқ. Карповдан енгилганлар орасида А. Соколов, югославиялик Л. Любоевич, тож талабгорларидан яна бири англиялик Ж. Спилмэн ва бошқалар бор. Иккинчи ўринни ҳам совет вакили — ленинградлик 23 ёшли В. Салов эгаллади. У битта ҳам ютқазмади.

Низомга кўра 25 гроссмейстернинг ҳар бири олтита турниردан тўртасида қатнаша олади. Тўплаган баллари( энг яхши учта натижа ҳисобга олинган ҳолда) жамланиб кубок эгаси аниқланади ва унга юз минг доллардан иборат «Гран-при» (улкан соврин) топширилади.

**Бунисн — вазифа**



Оқлар бошлаб ютади.

*• Пиру бадавлатлар*

# ОКТЯБРЬ ТЕНГДОШЛАРИ

Ҳамидулла уйга юриб эмас «учиб» кирди. Айвонда кўрпача қавиб ўтирган Мукамбар ая уни сезмай ҳам қолди.

— Бувижон, суюнчи беринг, эварали бўлдингиз, ўғил..!

— Вой, айланай болам, ўзингга муборак бўлсин. Мастуба яхшими? Тетикми?

Ҳой, буваси, эшитдингизми, эварали бўпсиз, келсангиз-чи, бундоқ...

Бу орада чол-кампирнинг ўғиллари, келинлари, невералари бирин-кетин ишдан қайтишди. Ҳовли гавжумлашди.

...Низомхўжа ота билан Розия опа илк фарзанд кўришганда хурсандликдан унга Шукуржон деб исм қўйишди. Фарзанд тўққиз ойлик бўлганда ота вафот этди. Розия опа ҳам она, ҳам ота бўлиб Шукуржонни оёққа турғазди... Эл-юрт билан бамаслаҳат ўзига ўхшаш меҳнаткаш, эс-ҳушли, мўмин-қобил Мукамбархонга уйлантириб қўйишди...

Мана, ўшанга ҳам 70 йил бўлибди. Ада-опа, бугун бува-буви! Улар Тошкент шаҳри Октябрь районидаги Герман Титов номли маҳаллада истиқомат қилишади. Енгил машина хизматларига тайёр. Ўғил-қиз, келин-куёв, набира ва эваралар сони саксон етти нафарга етди.

...Хонадонда бўлган қувноқ суҳбатдан сўнг Шукуржон бува Иноғомов хайрлашув чоғи қўшиб қўйди:

— Узоқ умр кўришнинг ҳам, бахтли турмуш кечиришнинг ҳам сабаби — тотувликда. Эр-хотиннинг қалби иккита бўлса-да, нияти бир ва холис бўлсин! Ёшлар шуни уқиб олса, бас! Мукамбар аянгиз билан 70 йилдан буён ширин турмуш қуриб келяпмиз.

**Д. ЗОКИРОВА.**

**Суратда: Шукуржон ота ва Мукамбар ая Иноғомовлар фарзандлари даврасида.**

**М. НАЗАРОВ фотоси.**

# Ахборот

**ВЕТЕРАНЛАР КЛУБИ**

● Хўжаобод шаҳар халқ маорифи бўлими ташаббуси билан ветеранлар клуби ташкил қилинди. Клубга Уруш ва меҳнат ветеранларидан иборат 11 киши аъзо бўлди. Клуб совети аъзоларидан Хўжамберди Турғунов, Людмила Карлова, Нусратхон Юнусова каби кексалар ёшлар билан учрашувларда, саволжавоб кечаларида ўз хотиралари билан ўртоқлашмоқдалар. Уларнинг ёрдамида маориф жонкуярларидан 30 нафардан ортиқ кишининг педагогика соҳасидаги хотиралари жамланиб, алоҳида жилдга айлантирилди. Ветеранлар клубининг аъзолари жойларда бўш вақтни мароқли ташкил этишда яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

**Р. ЖУМАНИЕЗОВ.**

**СЕВИМЛИ МАСКАН**

● Ҳамзаобод — Фарғона водийсининг кўркам жойларидан. Бу ерда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг юбилейига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шоирнинг музейи янги бинога кўчирилмоқда. У Ҳамза ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги экспонатлар билан бойитилади. Ҳамзаободга мамлакатимиз турли шаҳарлари ва чет эллардан келаётган туристлар ҳам қизиқиш билан қарашмоқда. Бу ерда меҳнаткашларнинг бўш вақтларини оқилона ташкил этиш учун имкониятлар етарли. Кино-театрлар, кукутубхоналар ва бошқа маданий-маиший муассасалар ишчи-хизматчилар билан банд. Ҳамзаободнинг мафтункор табиати саёҳатчиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

**С. ДАДАХЎЖАЕВ.**

*• Ажаб савдолар*

# ТУҲМАТ БАЛОСИ

Туҳмат балоси ёмон. Буни ўз бошидан кечирган киши яхши ҳис этади. Абдуғаффор Абдураҳмонов 32 ой сарсону саргардон бўлди, шундан салкам бир йилини қамоқда ўтказди. Уни қийнаган, оила аъзоларини беҳад азоб-уқубатларга қўйган шахслар ҳозир гўё ҳеч гап бўлмагандай масъулиятли вазифаларда ишлаб юришибди. А. Абдураҳмоновга шуниси алам қилади.

— 1985 йилнинг 5 августига қадар Тошкент шаҳар прокуратурасида катта терговчи вазифасида ишлаб келдим, — дея ўз саргузаштини ҳикоя қила бошлади А. Абдураҳмонов. — 1984 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги хонадонлардан бирида мудҳиш воқеа содир бўлди. Бир группа ваҳшийлар Аҳророва деган аёлнинг хонадонига бостириб кириб, жиноят содир этдилар. Тошкент шаҳар прокуратураси ва шаҳар ички ишлар бошқармаси шу жиноятни очиш учун махсус группа тузди. Мен шу группада ягона терговчи эдим. Қолганлар эса оператив ишларни олиб боришарди.

— 1985 йил 21 февралда шу районда яна катта жиноят содир бўлди, — сўзини давом эттирди А. Абдураҳмонов. — Газандалар кечаси Рўзиев хонадонига босқинчилик қилиб кириб, уни ўлдиридилар, мол-мулкини олиб чиқиб кетдилар. Бу жиноий ишни ҳам менга тергов қилиш учун беришди. Орадан кўп ўтмай оператив ходимларнинг ёрдамида Ёқубов, Эргашев ва Комиловлар бошчилик қилган газандалар қўлга туширилди. Жами 18 та жиноятчини қамоққа олдим.

— Ўз вазифамни сидқидилдан бажариб келаётган пайтимда ашаддий газандалардан бири бўлмиш Хайрулла Ёқубовнинг акаси Абдулла Ёқубов тарафидан менга нисбатан туҳмат уюштирилди. Ҳеч қандай гуноҳим бўлмагани ҳолда пора олганликда айбланиб, қўлга олиндим. Орган ходимларига мен: «Бу иғвогарлик, яхшилаб текширинглар!» — деб илтимос қилдим. Қулоқ солишмади. Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлимининг бошлиғи Р. Засеев (ҳозир у Тошкент область прокуратурасида ишлайди) бу хатти-ҳаракатни қувватлади. Аслида у қонунга хилоф равишда қилинаётган бу ишни қайтариши керак эди. Тошкент шаҳар прокуратураси бош терговчиси Ҳамидулла Тожиев (ҳозир у бошқа жойда ишлаяпти сўроқ қилмай туриб, мени қамоққа олиш ҳақида қарор чиқарди. Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Александр Шепель (ҳозир у бошқа жойда ишлаяпти) эса мен билан суҳбатлашмай туриб, ушбу қарорга қўл қўйди. Хуллас, уларнинг ҳар иккаласи қонунни қўпол равишда бузишди.

А. Абдураҳмонов бир нафас ўйланиб қолди. Балки шу пайтда у 17 кун камерада қийнашганини кўз олдиги келтиргандир?! «Айбингни бўйнингга оласан!» — деб не кўйларга солишмади уни.

— Ўша пайтда Чилонзор районидаги менга нисбатан туҳмат уюштирилган ишлар бўйича ўзимнинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди. Ҳеч ким менга ҳеч нарсани ёзиб бермаган, ҳеч нарсани ўқитмаган. Ҳеч ким менинг ишимни ўрганмаган. Ҳеч ким менинг ишимни ўрганмаган. Ҳеч ким менинг ишимни ўрган